

«Таомнинг энг ёмони келган одам ман қилиниб, бош тортган одам даъват этиладиган валийма таомидир. Ким даъватга ижобат қилмаса, батаҳқиқ, Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлур», дедилар».

???????? ?????? ?????????????? ??????? ñ ?????????: ??????
????????????? ?????????? ?????????????????? ?????????? ??????
????????????????????? ?????????????????? ??????????????????. ???????
????????? ?????????????????? ?????????? ??????? ??????
????????????????? ?????????? ??????? ?????????????? ??????????????
????????????????? ??????????????????.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу:

«Таомнинг энг ёмони бойлар даъват қилиниб, камбағаллар тарк қилган валийма таомидир. Ким даъватни тарк қилса, батаҳқиқ, Аллоҳга ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга осий бўлибди», дер эдилар.

Икковини учовлари ривоят қилдилар.

Шарҳ: Исломда валиймалар, умуман, бировга таом бериш маросимларидан асосий мақсад ҳожатманд кишиларни таомлантириш, уларнинг кўнглини кўтаришдир. Валийма қилган одам унга келган камбағалга қарамай, бойларнинг эшигига бориб, «Менинг валиймамга бир қадамнингиз етиб қолса, бахтиёр бўлар эдим», деб илтижо қилиши жуда ўринсиз ишдир.

Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ундай валийманинг таомини энг ёмон таом, демоқдалар. Демак, валийма қилувчи

киши ҳам кимларни чақиришни билиши керак. Кўпроқ камбағал, бева-бечораларни даъват қилса, улар зиёфатдан қорни тўйиб, қайғуси кетиб, кўнгли кўтарилиб кетса, эҳсон ўрнига тушади. Бойлигига зеб берган, бировни назар-писанд қилмайдиган манманларни даъват қилишдан эса фойда йўқ.

Афсуски, валийма қилаётганимизда ушбу набавий насиҳатларни ёдимиздан чиқариб қўямиз. Валиймамизга иложи борича казо-казоларни чақиришга ҳаракат қиламиз. Эшикларига бориб, ёлворамиз. Юзимизни сарғайтирамиз. Фақиру фуқароларни эса айтгимиз келмайди. Агар улар ўзлари келиб қолсалар ҳам кўнглимизга оғир ботади.

Аввал билмасак, энди билиб олдик. Бундан буён Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадисларига амал қилиб, валийма – зиёфатларимизга камбағалларни ҳам даъват қилишни унутмайлик.

Ҳадиснинг иккинчи қисмида **«Ким даъватга ижобат қилмаса, батаҳқиқ, Аллоҳ ва Унинг Расулига осий бўлур»**, дейилиши валиймага қилинган даъватни қабул қилиб, унга бориш вожиб эканлигини англатади. Чунки Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлиш тарки вожиб туфайли содир бўлади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди